

---

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „ Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 92- қарори асосида туманда муайян ишлар амалга ошириляпти.

--Президентимизнинг 92-қарори ижроси бўйича қилаётган ишларимизни олти ойлик якуни бўйича таҳлил қиламиз,-деди туман ҳокими ёшлар етакчилари билан учрашувда.--Бирин-кетин шароитларни яратиб беряпмиз. Лекин шунга яраша натижа бўлмаяпти. Қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтилмаган.

Ёшлар билан учрашувларда 262 та мурожаат тушган. Улардан 92 тасигина ижобий ҳал этилан. Учрашувларда икки-уч ёш чиқяпти. Кўпроқ ёшларни жалб қилиш керак. Уларнинг мурожаатларини эшитамиз. Сиз етакчилар, мурожаат ечими бўйича ижтимоий тармоқ орқали ўз сектор раҳбарингизга чиқинг. Ҳал бўлмайдиган масала йўқ. Фақат ичига кириш керак. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича ҳам кўзбўямачилик бўлмасин. Спорт залида ҳар куни бир хил ёшлар. Хатлов қилгансиз, шу бўйича ишланг.

Сектор раҳбарлари иштирокида ёшлар етакчиларига Ёшлар жамғармаси ҳисобидан спорт анжомлари, бадий китобларва бошқа буюмлар топширилди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-04-25 18:27:09